

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

**ТЕННИСГА ЎРГАТИШНИНГ
АНЬАНАВИЙ ВА НОАНЬАНАВИЙ
ТЕХНОЛОГИЯСИ
(Ўқув кўлланма)**

ТОШКЕНТ – 2007

Муаллиф:

Пўлатов Ш.А. – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти спорт ва миллий ўйинлар кафедрасининг аспиранти.

Тақризчилар:

Саломов Р.С. – педагогика фанлари доктори, профессор.

Обидов С.А. – Ўзбекистон Республикаси теннисни ривожлантириши жамгармаси Бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер

Мазкур ўқув қўлланмада замонавий тенниснинг долзарб масалалари, ёш теннисчиларни тайёрлашда фойдаланиладиган анъанавий машқлар самарадорлиги ҳамда ҳаракат (зарба) аниқлигини оширишга қаратилган ноанъанавий машқлар мазмуни ва уларни қўллаш технологияси ёритилган. Жисмоний тайёргарлик ва ҳаракат аниқлигини баҳоловчи меъёрий тест машқлари келтирилган. Қўлланма теннис спорт мактаблари, АЛ, КҲК лари ўқувчилари, жисмоний тарбия институти ва факультетлари талабалари ҳамда теннис мураббийларига мўлжалланган.

© ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа
бўлимни, 2007й.

КИРИШ

Мустакиллик шарофати туфайли миллат генофондини шакллантириш, турмуш тарзини кучайтириш ва баркамол авлодни тарбиялаш воситаси бўлмиш жисмоний тарбия ва спорт борган сари миллий истиқбол гоясининг стратегик қурулига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида ушбу соҳа қисқа вақт ичида Давлат сиёсатининг устувор йўналишлари доирасида асрларга teng ўзгаришлар ва улкан ислоҳотлар йўлини босиб ўтиб, буюк истиқбол сари қанот ёзмоқда.

Мамлакатимизда кўпдан-кўп ҳалқаро стандартларга мос спорт иншоотлари барпо этилиши, ҳалқаро миёсдаги мусобақаларнинг сурункали ўтказилиши, ўзбек спортчиларининг Жаҳон, Олимпия ва Осиё мусобақаларида юксак натижаларга эришиши мустақил юртимиз шуҳратини Жаҳон ҳамжамияти олдида тараннум этмоқда.

Соҳа бўйича қабул қилинган Президент Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари барча спорт турлари каби тенинсда ҳам глобал прогрессив ўзгаришларга олиб келди. Жумладан, Республикамиз бўйлаб қад кўтарган замонавий тенинс мажмуаларида ўтказилаётган „Сателлит”, „Челенжер”, „Тошкент-Опен”, „Девис Кубоги”, „Президент Кубоги” ва „Осиё чемпионати” каби юқори рейтингли ҳалқаро, мусобақаларнинг муңтазам ташкил этилиши ҳамда И.Тулаганова, А.Аманмурадова, К.Дадаҳожаева, О.Огородов, Д.Томашевич, М.Иноятов, В.Куценко, Д.Мазур, Ф.Дустов, Д.Истомин каби истеъдодли тенинсчиларни етишиб чиқиши ва уларни дунёning етакчи ракетка усталари билан тенгма-тeng беллашуви юртимиз кучкудрати, унинг спорт салоҳияти қанчалик юксалиб бораётганидан дарак беради.

1998 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида теннисни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарори (1) ушбу спорт турини нафақат Олимп чўққиси сари етаклашга имкон яратмоқда, балки уни мамлакатимиз ўқувчи-ёшлари ўртасида янада оммавийлашишига кенг йўл очиб беради. Теннисни „Умид ниҳоллари”, „Баркамол авлод” ва „Универсиада” каби қўп босқичли мусобақалар дастурига киритилиши бунинг яққол далилидир.

Лекин, ҳалқаро шоҳсупага муносиб, рақобатбардош теннисчиларни тайёрлаш муаммоси истиқболли спорт захираларини тарбиялай билишга боғлиқдир.

Мазқур масаланинг ўта муҳимлиги „Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида” ги Президент Фармонида алоҳида таъкидланган.

Маълумки, юқори малакали спортчиларни тарбиялашга қаратилган қўп йиллик спорт тайёргарлиги тизимида дастлабки ўргатиш жараёни фундаментал босқич бўлиб ҳисобланади. Тан олиш лозимки, бугунги кунда теннис амалиётида кўлланилиб келинаётган дастлабки тайёргарлик тизими ўз самарадорлиги билан ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Лекин, кузатувлар шуни кўрсатадики, ёш спортчиларни тайёрлаш жараёнида, айниқса унинг дастлабки ўргатиш босқичида, меъеридан ортиқ катта ҳажмли, ўта ихтисослаштирилган юкламаларни зўрмазўраки кўллаш устуворлиги қўзга ташланади. Маълумки, қисқа муддат ичида „тез пишадиган, истеъдодли” спортчиларни тайёрлаш мақсадида боланинг психофункционал имкоњиятларини эътиборга олмай кўлланиладиган ана шундай юкламалар нафақат организмни зўриқишишга олиб келиши мумкин, балки ҳаракат малакалари ҳамда спорт маҳоратини мукаммал (мустаҳкам) ва барқарор шакланишига салбий таъсир кўрсатиши исбот талаб қилмайди.

Бинобарин, ұқув-тренировка жараёнини илмий асосда ташкил қилиш, жумладан, дастлабки үргатиш босқичида харакат малакаларини мұкаммал, аниқ ва турғун ижро этиш даражасыда шакллантиришга қодир самарали технологияларни яратиш, синаб күриш ва амалға жорий этиш юқори малакали спорт захіралари етишириш тизимининг ўта долзарб масалаларидан биридир.

1. Замонавий теннис ва унинг илмий назарий моҳияти

Теннис – ўз моҳияти, ҳаракат мазмуни ва ўзига ром қилувчи турлй уйин малакалари билан миллионлаб кишиларни, ҳатто жуда “банд” раҳбар ва ишбилармоналарни узига жалб қилиб келмоқда.

Замонавий теннис ўта тезкор ва спортчидан маҳорат, файрат талаб қилувчи спорт ўйинлари турига мансубдир. Юқори техник-тактик “санъатта” эришиш учун биринчи навбатда теннисчи етарли даражада ривожланган маҳсус жисмоний сифатларга эга бўлиши керак. Мазкур сифатларни ва теннис малакаларини ижроси мақсадга мувофиқ ўйин фикрлови асосида бошқарилиши мусобақа тақдирини белгилайди.

“Бугунги” теннисчи ҳаракатчан, ўткир зехни, тез фикрловчи, иродали, ўзгарувчан ўйин вазиятларида муносиб ҳаракат қилувчи, рақибнинг ҳаракат режасини тез пайқовчи ҳамда мазкур қобилиятларни узоқ вақт давомида (мусобақа ўйинларида) ижро савиясини тушурмаслиги зарур. Мунтазам давом этиб турадиган бундай тренировка – мусобақа юкламаларига бардош бера олишилик теннисчидан юқори руҳий ва биожисмоний тайёргарликка эга бўлишни талаб қиласди. Теннис амалиёти жараёнида бундай спортчиларни етиштириш истиқболли болаларни излаб топиш, танлов ўтказиш ва саралангандар билан дастлабки ўргатиш жараёнини самарали ташкил килишни тақозо этади. Маълумки, спорт малакаларига дастлабки ўргатиш жараёни кўп йиллик спорт тайёргарлиги тизимининг пойдевори хисобланади. Дастлабки ўргатиш – ўзининг ташкилий, услубий, илмий ва моддий-техника нуқтаи-назаридан қанча пухта таъминланган бўлса, шунчалик спорт ўринбосарларини тайёрлаш жараёни самаралироқ кечади. Шу билан бир қаторда, ўргатиш амалиётида ўргатувчи ва такомиллаштирувчи машқлар “соғ ҳолда” кўлланилиши учраб туради. Кузатувлар шуни

күрсатадики, спорт ҳаракатига ўргатиш шу ҳаракатни айнан “классик” намунасидан нусха қўчириш асосида олиб борилади. Тўғри ҳаракат малакаларига ўргатишда шу ҳаракатни айнан “классик” намунаси тушунтирилиши ва кўрсатилиши керак. Аммо ўрганувчи ўрганилаётган ҳаракат техникасидан нусха қўчирмасдан, аксинча, шуғулланувчи мазкур ҳаракатни ўз истеъдодига, имкониятига, қобилятига ва қаддиқоматига қараб ўзига хос тартибда ижро этиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир ҳаракат техникасини ижро этишда спортчи ўзини “муаллифлик” услубига, усулига, техника ва тактикасига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бундай маҳоратни тарбиялаш ва унга эришиш учун ўргатиш жараёнида ўрганувчига эркин ҳамда ижодий тарзда ҳаракат қилиш вазиятини яратиш даркор бўлади. Ана шундагина бўлажак спорт устаси муайян ҳаракатни янги ва самаралироқ ижро услуби ёки усулларини (технологиясини) “кашф” этиши мумкин.

Ҳозирги кунда спорт фани ва амалиёти малакали спортчилар тайёрлаш методологиясининг умумий ва хусусий жиҳатларини очиб берувчи қўпдан-қўп илмий-услубий маълумотлар заҳирасига эгадир (2, 5, 6, 15, 19, 25). Шу билан бир қаторда, малакали теннисчилар тайёрлаш бўйича чоп этилган илмий-тадқиқот ишлари, шу жумладан, тенниста ўргатиш жараёнини илмий асосда ташкил қилиш, ушбу йўналишга оид самарали, илғор технологияларни ишлаб чиқишга бағишлиланган илмий маълумотлар доираси ниҳоятда чегараланган (3, 10, 9, 21).

Эътироф этиш жоизки, ёш теннисчиларни тайёрлашга қаратилган, айниқса дастлабки ўргатиш жараёнини шакллантиришга мўлжалланган илмий тадқиқотлар ўрни мувофиқ адабиётларда ўта саноқлидир, мавжудлари эса, чуқур ва кенг қамровли илмий мавзулар моҳиятини ёритиб беришга ожиздир (7, 8, 29, 31).

Агар замонавий теннис ўйинининг салоҳиятига назар ташланса, унда теннис амалиёти шу спорт турига оид назарий-илмий концепция ва хулосалардан анча илгарилаб кетган, деб айтиш мумкин. Шундай бўлсада, баъзи мутахассисларнинг бу борадаги айрим илмий қарашлари дикқатни ўзига жалб қиласди. Чунончи, И. Тугашвили, В. Янчук (26)ларнинг фикрича, сўнгти йилларда замонавий теннисда ўйинчиларнинг техник-тактик маҳорати бироз заифлашган. Лекин, уларнинг тезкорлик-куч сифатлари ҳамда моддий-техник таъминоти жуда яхши шаклланганлиги қўзга ташланади. Теннисчиларнинг техник-тактик маҳорати-ни ошириш мақсадида ушбу муаллифлар спорт такомиллашуви жараёнига янги ноанъанавий ўргатиш услубларидан фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратишади. Жумладан, улар таклиф қилган ноанъанавий услублардан бири – ўйин кўнкималарини шакллантиришда “ноқулай томондан – заиф қўл”ни кўпроқ машқ қилишдан иборат. Агар ўйин малакалари икки томондан бир хил куч ва маҳоратда ижро этилса, мусобақа натижасида ижобий ўзгариш юз беради.

Шундай ёндашувга аксарият тадқиқотчилар теннисга дастлабки ўргатиш босқичиданоқ ўйин малакаларини икки томондан (ўлг ва чап қўл билан) ижро этишни одат қилиш мақсадга мувофиқ деб таъкидлайдилар.

Теннисчиларнинг тезкорлик ва куч сифатини қўшиб шакллантириш ниҳоятда муҳим эканлиги В.Янчук (30, 31) томонидан эътироф этилган. У мазкур сифатларни самарали ривожлантириш учун турли оралиқда майдон юзасидан “сакрэган” тўп сари шиддат билан чопиш, майдон бўйлаб турли йўналишларда тезкор ҳаракатланиш, кескин бурилишлар, эгилишлар, тўхташлар ва зарба бериш малакасини тақлид қилиш машқларини мунтазам ижро этиш яхши натижа беради, деб ҳисоблайди. Шу ўринда Украинада

хизмат күрсатган тренер А.Ф. Карпенконинг сўзлари В.Янчукнинг қанчалик ҳақ эканлигини исботлайди: “Мен авваламбор теннис билан шуғуллантириш учун “юмшок” ҳаракатчан, яхши координацияли болаларни излайман, чунки теннисда энг муҳими тўпга ўз вақтида чиқиши... Мен ўта тезкор, кучли болаларни қидирмайман: агар бола ёшлигидан жисмонан бакувват булса, у теннис учун номуносидир, унда ҳаракат эркинлиги, ҳаракат енгиллиги бўлмайди” (29). Эҳтимол масалага бундай ёндошиш мақсадга мувофиқдир. Лекин бундай фикр асосида болаларда бўлган қизиқиши, интилишни сўндириш – бу педагогик жиҳатдан адолатли эмас. Бу борада Ш.Р. Чебатарев (27)нинг фикри эътибор қаратади. Унинг эътироф этишича, ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик болаларнинг ёшлигидан бошланиши керак. Фақат жисмоний сифатларни ривожлантиришга оид машқлар шу болаларнинг ёши ва функционал, имкониятларига қараб саралангандан ҳолда қўлланилиши лозим экан. Дарҳакиқат, замонавий теннисга хос узоқ муддатли ўйинлар (3,5-4,5 соат), катта шиддатда ва кўп миқдорда ижро этиладиган турли мазмунли ҳаракат малакалари спортчидан ниҳоятда юқори жисмоний ва психофункционал тайёргарликка эга бўлишни талаб қиласди. Шунинг учун дастлабки ўргатиш босқичидан бошлаб, кўп йиллик тайёргарлик жараёнининг барча даврларида теннисчиларнинг жисмоний ва психофункционал тайёргарлигига аҳамият бериш ўта муҳим масалалардан биридир. Бу борада Ю.В. Верхушанскийнинг (5, 6) фикри эътиборга лойиқдир. Мазкур олимнинг айтишича, спортчининг маҳсус жисмоний тайёргарлигини оширмай туриб, унинг техник-тактик маҳоратини шакллантириш ва мусобақа машқлари шиддатини ўстириш имкони бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, иш қобилиятини ошириш ва спорт маҳоратини прогрессив такомиллашуви умумий ҳамда маҳсус жисмоний сифатларни танланган

спорт турининг ўзига хос хусусиятига қараб бир-бирига мутаносиб равишда ривожлантирилиши билан белгиланади.

Шу билан бир қаторда, яна шу нарсани эътиборга олиш лозимки, кўп йиллик спорт жараёнида малакали спортчиларни тайёрлаш самарадорлиги дастлабки ўргатиш босқичини қандай ташкил қилинишига ва шу босқични қанчалик режали амалга оширилишига боғлиқдир. Спорт заҳираларини тайёрлаш амалиётида шундай вазиятлар устунлиги кузатиладики, ёш спортчилар билан машғулотлар олиб борувчи айрим тренерлар дастлабки ўргатиш босқичига жиҳдий эътибор қаратишмайди. Улар қисқа муддат ичидаги малакали спортчи тайёрлаш ниятида ўргатувчи ва такомиллаштирувчи (тренировка) машқларни қўллаш частотаси ва шиддатини оширадилар, болаларнинг жисмоний ва функционал имкониятлари кўпинча эътиборга олинмайди. Натижада ҳажм ва шиддат жиҳатидан мувофиқ меъеридан орттирилган машғулот (машқлар) юкламалари шуғулланувчи болалар организмида салбий функционал ўзгаришларга олиб келади, ички органлар (мушаклар, юрак-қон томир тизими, ўпка, буйрак, жигар ва ҳ.к.) фаолиятида зўриқишиш ва ўта чарчаш аломатлари вужудга келади.

Албатта, тренерлар -фаолиятида учраб турадиган бундай услубий нуқсонлар спорт маҳоратини шаклланиши ва спорт натижаларини ортиб боришига тўсқинлик қиласди.

2. Тенисчиларни тайёрлашда танловнинг ўрни

Танлов деб муайян соҳа ёки фаолиятда юксак натижаларга эриша олиш имкониятлари мавжуд кишиларни саралаб олиш жараёнига айтилади.

Тенисда “спорт танлови” – бу келажакда спорт такомиллашуви, жумладан, мусобақалар фаолияти билан боғлиқ бўлган катта юкламаларга бардош бера оладиган ва айнан шу жараёниарда юқори натижаларга эриша оладиган

истиқболли болаларни излаб топишга имкон яратадиган усул, услуга ва тест-машқлари мажмуасини қўллаш жараёнидир.

Спорт танлови кўп йиллик спорт тайёргарлиги билан узвий боғлиқ бўлиб, спорт малакаларини ўзлаштиришнинг дастлабки босқичидан бошлаб энг юқори босқичида, яъни миллий терма жамоалари фаолиятида ҳам амалга оширилади. “Танлов” тұшунчаси ўз ичига “муносиблик”, яъни инсонни бир соҳага (маълум фаолиятга) истеъоди бўйича яраши ёки ярамаслиги масаласини киритади. Бу деган сўз, инсон нафақат ўз имкониятлари (қадди-қомати, жисмоний сифатлари, руҳий хусусиятлари ва ҳ.к.) билан муайян фаолиятта (касбга, ишга, спортта ва ҳ.к.) мос келиши керак, балки айнан шу фаолият мазкур инсон мижозига муносиб бўлиши мақсадга мувофиқдир (эмоция, активация, мотивация масалалари). “Танлов” атамаси ўз таркибиға яна спортга оид “чамалов” тушунчасини киритади.

Чамалаш – боғчаларда, мактабларда ва спорт мактабларининг бошланғич гурӯхларида амалга оширилиши мумкин. Тұғри чамалаш мұраббийнинг истеъодига, унинг билими ва тажрибасига боғлиқ. Боланинг наслуга, түрмуш тарзи кўрсаткичларига қараб чамалаш ҳам эътиборли аҳамиятта эга.

Спорт танлови – кўп йиллик педагогик жараёнидир. Кўп йиллик спорт тайёргарлиги тизими ўз моҳияти ва мақсадига биноан кўп йиллик спорт танловини ўз ичига олади ва мазкур жараённи 4 босқичда амалга оширилишини тақозо этади:

- I. Дастлабки танлов – (7-14)
- II. Спортчиларни ўйин ихтисослигига (функциясига) сараловчи маҳсус танлов (15-17)
- III. Юқори жамоаларга танлов (18-20)
- IV. Терма жамоаларга танлов.

Күп йиллик спорт тайёргарлиги тизимида танлов жараёнини ташкилий тартиби қуиыдаги блок-андозада берилган.

Болаларни дастлабки танловга тайёрлаш мактаб шароитида жисмоний тарбия үқитувчиси томонидан амалга оширилади, үқувчилар дастур асосида ва баҳоловчи машқлар, ҳаракатли халқ үйинлари ёрдамида сараланиши мүмкін. Мазкур сараловчи воситалар айнан теннис үйинининг моҳияттига ніхоятда яқин бұлиши мақсадға мувофиқ. Бундай воситалар тавсия қилингандарда адабиётларда кенг ёритилған. Дастлабки танловга тайёрлаш жараёнида үқувчилар мунгазам тиббий күриқдан үтиб туришлари шарт. Бу тадбир қанчалик сифатли ва самарали амалга оширилса, шунчалик спорт мактабларыда уюштириладиган танловни сифат даражаси юқори бўлади.

ДАВРЛАР

Бошланғич танлов	Күп йилга мұлжалланған танлов	Жамоани тузиш танлови
------------------	-------------------------------	-----------------------

Погоналар

Спорт иқтисослигига өндоштириш	Бошланғич тайёргарлик гурухига танлов	Спорт иқтисослигига танлов	Спорт тәкомиллашуви гурухига танлов	Спорт усталари жамоасига танлов	Терма жамоаларга танлов
--------------------------------	---------------------------------------	----------------------------	-------------------------------------	---------------------------------	-------------------------

БОСҚИЧЛАР

1-босқыч

Тайёргарлик тадбирлари	Тайёргарликни бақолаш	Тайёргарликни бақолаш	Үйин самараасини бақолаш	Үйинчиларни танлаш	Номзодларни танлаш
------------------------	-----------------------	-----------------------	--------------------------	--------------------	--------------------

2-босқыч

Наслға қараб чамалаш	Қобилятни бақолаш	Үйин иқтисослигига мұносиблик	Тәкомиллашув даражасини бақолаш	Асосий үйинчиларни бирлаштириш	Үйинчиларни бирлаштириш
----------------------	-------------------	-------------------------------	---------------------------------	--------------------------------	-------------------------

3-босқыч

Спорт турига қараб чамалаш	Спорт турига мұносибиги ҳақида худоса	Имконияттың қараб чамалаш	Үйин йұналишини бақолаш	Маълум үйинга үйинчиларни саралаш	Маълум үйинга үйинчиларни саралаш
----------------------------	---------------------------------------	---------------------------	-------------------------	-----------------------------------	-----------------------------------

Блок – андоза. Күп йиллик спорт тайёргарлигінде узлуксиз танлов сараловни үтказиш тартиби.

Дастлабки танлов. Мазкур тадбир қуийдаги тартибда олиб борилади: I боскич. Тарғибот-ташвиқот ишларини уюштириб, ўқувчи болаларни қизиқтириш, жалб қилиш (сұхбат, маъruzалар үтказиш, теннис мусобақалари ҳақида фильмлар намойиш қилиш).

Күргазмали мусобақалар уюштириш, таниқли спортчилар иштирокида сұхбатлар үтказиш.

II боскич. Баҳоловчи машқлар, ҳаракатли ва халқ үйинлари ёрдамида дастлабки танлов – қабул үтказиш (қадди-қомат күрсаткичлари, жисмоний сифатларнинг ривожланғанынгина тест ва аппаратлар ёрдамида аниқлаш ва ҳоказо).

III боскич. Бошланғич тайёргарлик: I йиллик үргатиши даврида болаларни махсус сифатлари, техник-тактик малакалари, қобилиятлари ва имкониятларини баҳолаш. Уларни наслий хислатларини үрганиш. Техник ва тактик тайёргарлик бўйича танлов үтказиш.

Теннис билан шуғулланышга муносабилги. БўСМга қабул қилиш мутахассис-мураббий учун ўта масъулиятли тадбирдир. Бу тадбирни амалда ҳамма кўрсаткичларни бир-бирига таққослай билиш, теннис үйинининг моҳиятига яқин кўрсаткичга эга бўлган болаларни фарқлай олиш, спорт турига зарур қобилиятларни ажратса билиш катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бир қаторда, танлов натижаларига кўра қабул қилиш ҳақида узил-кесил холосага келиш ўринсиз, мавжуд кўрсаткичларни эътиборга олган ҳолда сараловни давом эттириш даркор.

Узлуксиз танлов (саралов) ва ўйин функцияла-рини (ихтисосларини) белгидаш. Юқори малакали теннисчиларни тайёрлашда мазкур боскич тадбирлари ҳал қилувчи аҳамиятта лойиқ. Албатта узлуксиз танлов-саралов ҳамда болаларни муайян ўйин ихтисосликларига муносибликларини аниқлаш кўп йиллик спорт тайёргарлигини барча

босқичларида амалга оширилиб борилади. Бу масала, айниқса, ўқув-тренировка ва такомиллаштирув гурӯҳларида алоҳида эътиборга сазовордир.

Теннис билан шугулланишга танлов асосида қабул қилиш жараёнини кучайтириш мақсадида мавжуд танлов воситаларига муаллиф томонидан қўшимча қилиб танлов машқлари мажмуаси ишлаб чиқилди ва амалиётда тадбиқ қилиш учун тавсия қилинади. Мажмуага кири-тилган машқларни қўллаш тартиби, шарт-шароитлари, мазмуни ва андозалари қўлланмада берилган илова-ларда акс эттирилган.

3. Ўргатиш жараёни ва техник тайёргарлик

Спортчиларни мусобақаларда иштирок этиш фаолияти уларни муайян спорт турига хос бўлган ҳаракат малакаларини маромига етказиб бажаришларини тақозо этади. Ҳаракат малакаларини ижро этиш техникаси қанчалик такомиллашган бўлса, мусобақада ғалабага эришиш имконияти шунчалик кенг бўлади.

Ғалабага эришиш бу мусобақани асосий мақсадидир. Лекин бундай мақсад чўққисини забт этиш имкони фақат ўргатиш ва техник тайёргарлик жараёnlарининг самарасига боғлиқ.

Ўргатиш ва умуман спорт тайёргарлиги жараёни спорт ўйинлари турларида ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, спорт ўйинларига ўргатишни замонавий һазарий ва услубий асосларига таянган ҳолда амалга оширилиши зарур. Ўргатиш жараёни ва техник тайёргарлик – бу кўп йиллик педагогик фаолият бўлиб, маълум ҳаракатни ёки ҳаракатлар мажмуасини техник жиҳатдан маълум мақсадли тартибда, вазиятта мувофиқ, барқарор, мукаммал ва самарали ижро этилишини таъминловчи мураккаб жараёндир. Мазкур

жараён спорт тайёргарлигининг асосий ва ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Ўргатиш жараёни ва техник тайёргарликнинг асосий вазифаси – ўйин техникасининг биомеханик қонуниятларини ўзлаштириш, ҳаракат ёки ҳаракатлар мажмуасини ҳар қандай вазиятларда маҳорат билан барқарор ва самарали ижро этиш имконини яратишдан иборатdir.

Янги ҳаракат техникасини ўрганиш ва ўзлаштириш мавжуд ҳаракат тажрибасига асосланади.

Ҳаракат ёки ҳаракатлар мажмуасининг техникасини ўзлаштириш шуғулланувчида куч, тезкорлик, чақонлик, чидамкорлик, эгилувчанлик каби жисмоний сифатларни етарли дараҷада ривожлантирилишини тақозо этади. Бу сифатларни ривожлантирувчи машқларни бажарилиш тартиби ва йўналиши ўргатиладиган (ўзлаштириладиган) ўйин малакасининг техникасига “ҳамоҳанг” бўлиши мақсадга мувофиқdir.

Ҳаракатлар тёхникасига ўргатиш жараёнида қўйидаги услубий тавсияларга риоя қилиш лозим:

– Биринчидан, маълум ҳаракат техникасини қайтадан ўргатиш ҳолига чек қўйиш мақсадида ўргатиш жараёнини бошланишидаёқ тўғридан-тўғри ҳаракат техникасини энг самарали нусхасини ўргатиш зарур;

– Иккинчидан, ўргатиш жараёнида назарий машғулотларга алоҳида эътибор берилиши зарур, токи Ўрганувчи ўргатилаётган ҳаракат техникасини ижро этиш тартибини “ипидан игнаси”гача фикран тўлиқ англасин, хотирада яхши эслаб қолсин ва тафаккурида тўғри “бажара” олсин;

– Учинчидан, ўргатиш жараёнида ўрганувчи ўргатилаётган ҳаракат техникасини ҳар хил вазиятда, ҳар хил тезликда аниқ ва мақсадга мувофиқ бажарилиш имко-

8/8/1178(25)

нини таъминловчи етарли даражада ривожланган жисмоний сифатлар пойдеворини яратиш зарур. Чунки, ўрганувчи жисмонан заиф бўлса, ўргатилаётган ҳаракат техникаси хатолар билан ижро этилади, самара бўлмайди, ўргатув йўналишини мақсадга мувофиқ томонга буриш имкони чегараланади, ҳатто йўқолади.

Техник тайёргарликни амалиётта жорий этиш, ўргатиш ва такомиллаштириш жараёни билан боғлиқ бўлиб, ўз ичига бир неча босқичларни олади:

1-босқич. Ҳаракат техникасини ижро этиш тартиби ҳақида илк бор тушунча ҳосил қилиш ва ўргатилувчини руҳий жиҳатдан мазкур ҳаракат техникасини ўзлаштиришга тайёрлапши.

2-босқич. Ҳаракат техникасига ўргатиш **жараённида** бошланғич кўникма ва малакадарни ҳосил қилиш, тарбиялаш. Ўзлаштиришни секин-аста мураккаблаштириш.

3-босқич. Ҳаракат техникасини **тўлиқ** ва мукаммал бажариш. Ортиқча ҳаракатлардан ҳалос бўлиш.

4-босқич. Ҳаракат техникасини барқарор, аниқ ва тез бажариш.

5-босқич. Ҳаракат техникасини турли ўзгарувчан вазиятларда мақсадга мувофиқ бажариш.

6-босқич. “Чуқурлаштирилган” – мураккаблаштирилган тарзда ўргатиш ва такомиллаштириш жараёни.

7-босқич. Ўргатилган малакалар техникасининг мукаммаллигини ‘таъминлаш, сақлаш ва уларни ижро усулларини кентайтириш, “бойитиш” ва **такомиллаштириш**.

Техник тайёргарликнинг мақсад ва **вазифаларини** амалиётта жорий этиш ихтисослаштирилган воситалар (машқлар) ёрдамида амалга оширилади. Аслида “воситалар” кенг маънога эга бўлиб, уларнинг турлари хилманилдир. Асосийлари, табиийки, ёндоштирувчи **машқлар**.

O'zbekiston Davlat Jamoniy
tarbiya instituti kutubxonasi

техникага оид машқлар (ёки асосий машқлар) ва иккى томонлама теннис ўйини бўлиб ҳисобланади. Лекин масалани муваффакиятли ва самарали ҳал этиш учун ўргатиш ва тақомиллаштириш жараёнида тайёрлов машқлари ва тактикага оид машқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бошқача қилиб айтганда, жисмоний сифатларни ривожлантирувчи ва тактикага оид машқларни техникага ўргатиш жараёнида қўллаб бориш, ўйин жараёнида теннисчига ўз техник имкониятидан фойдаланиш даражасини орттиради. Демак, техник тайёргарлик жисмоний ва тактик тайёргарлик билан узвий ва чамбарчас боғлиқ равишда амалга оширилиши лозим.

Юқорида қайд этилган воситалар маълум услублар асосида қўлланилади. Услублар – бу ўргатиш технологиясининг қуролидир.

Услублар шартли равишда З турга бўлинади: тушунтириш, кўргазмали ва амалий.

Техник тайёргарлик жараёнида шуғулланувчиларнинг ёшига, имкониятларига, ўргатиш босқичига қараб у ёки бу услубларни устунлиги мавжуд бўлиши мумкин.

Тушунтиришга оид услублар ўз ичига сўзлаб бериш, сухбат, кўрсатма, таҳдил ва муҳокама кабиларни олади.

Кўргазмали услублар: ўқув фильмлари, видеофильмлар, суратлар, техникани тренер томонидан намойиш қилиниши, ўйинларни кузатиш ва ҳоказо.

Амалий услублар:

1. Ҳаракат техникасини тўлиқ ҳолда ўргатиш.
2. Ҳаракат техникасини қисмларга бўлиб ўргатиш.
3. Бошқарув услуби.
4. Ҳаракатли кўргазма услуби.
5. Қайтариш услуби.
6. Мураккаблаштириш услуби.

7. Чарчов ҳолатида ўйин малакаларини бажариш услуги;

8. Ўйин услуги;

9. Мусобақа услуги;

10. Кўшма услуги;

11. Айланма усулда машқ бажариш.

Тенисчининг техник маҳоратини оширишда шундай омиллар мавжудки, уларни ўқув-тренировка жараёни режалаштиришда, ташкил қилишда ва бошқаришда эътиборга олиш самара заминидир. Булар жумласига қўйидагилар киради:

а) маҳсус жисмоний сифатларни ва қобилиятларни юқори даражада ривожланган бўлиши;

б) ўйин малакаларининг барча усулларини техник жиҳатдан ўзлаштирилган бўлиши;

в) мусобақанинг ўзгарувчан вазиятларда ҳамда ташқи ва ички таъсиrlар шароитида ҳаракат (ўйин) техникасини барқарор ва мукаммал бажарилиши;

г) тенисчи ўз ўйин услугини юқори маҳорат билан ижро этиши;

д) ўйин қоидалари ва ўйин иғтизомига риоя қилган ҳолда фаоллик кўрсатиш, зукколик, маккорлик, тадбиркорлик сифатларини намойиш қила билиш;

е) тенисчи ўз шахсий имкониятларидан самарали фойдалана олиши;

ж) организмнинг функционал имкониятини юқори даражада ривожланганини таъминлаш, уни нагруззкага бардош бериш даражасини ошириш.

Юқорида қайд этилган омиллар нафақат техник маҳоратни такомиллашувида эътиборга олиниши керак, балки спортчига қўйиладиган шарт ва талаблардир. Шунинг учун мазкур омиллар спорт тайёргарлигини бошқаришда асосий мўлжал бўлиб хизмат қилиши керак.

Үйин малакалари ва кўникмаларини ҳосил бўлиши, уларни ўзлаштириш тартиби ва ўргатиш технологияси (услубияти) ҳаракат малакаларини таркиб топишидаги ва такомиллашувидаги биоруҳият қонуниятларига асосланади.

Ҳаракат техникасига ўргатиш қуидаги тартибда амалга оширилади:

- 1) ўргатиладиган ҳаракат техникаси билан танишиш, уни ижро этиш тартибини кузатиш ва хотирада ҳаракат изини (нусхасини) қолдириш;
- 2) малакани оддий шароитда ўзлаштириш;
- 3) малакани мураккаблаштирилган шароитда ўзлаштириш;
- 4) малакани ўйинда мукаммал эгаллаш ва такомиллаштириш.

Ўргатиш жараёнини қайд этилган тартибда амалга оширишда қўлланиладиган воситалар (машқларни) қуидаги дидактик принципларга асосланиши шарт:

- “оддийдан мураккабга”;
- “енгилдан оғирига” (нагрузка нуқтаи назаридан);
- “ўтилғанидан ўтилмаганига”

Ўргатиш жараёнида қўлланиладиган барча услугуб ва воситалар айтиб ўтилган принципларга асосланиши керак.

Ўйин техникасини (техник маҳоратни) такомиллаштириш тренировка нагрузкасини сезиларли даражада ортиши билан боғлиқ. Чунки ўйин малакалари доираси уларнинг турлари, усуллари, бажарилиш тезлиги, мураккаблиги хисобига кенгайиб боради. Маса ён, фақатгина, майдончани ҳар хил жойларидан турили усулларда ва қайта-қайта жавоб-зарба бериш теннисидан катта жисмоний тайёргарликни талаб қиласди.

Мазкур босқичда ўйин малакаларини ўзгарувчан



вазиятларда ташқи ва ички таъсирлар шароитда бажаришни машқ қилиш; спортчи организмини нагрузкага бардош бериш имкониятини ошириш керак бўлади. Бунинг учун машғулотларда бериладиган техника ва тактиката оид машқларни чарчаш ҳолатида, руҳиятта таъсир этувчи (шовқин, иссиқлик) вазиятларда қайта-қайга қўллаш зарурдир.

4. Тенисга дастлабки «ўргатувчи» машқлар


Тенисга “ўргатувчи” машқлардан фойдаланиш жараёнида аввал болаларни тенис дастасини тўғри ушлашга ўргатиш зарур: чап қўл билан дастани бўйин қисмидан ушлаш керак (агар ўнг қўл етакчи бўлса, дастанинг сопи Сизни рўпарангизда бўлиши лозим, дастани турли юзаси майдон юзасига перпендикуляр ушланади, дастани бошқа қисми Сиздан ҷапроқ томонга қараб йўналтирилади. Энди ўнг қўлнинг кафти дастани сопига қўйилади). Дастани ушлаш ва дастлабки ҳаракат намуналари 1, 2 ва 3-чи расмларда акс эттирилган.



1-расм. Тенисчининг дастлабки ҳолати.



2-расм. Дастани ушлаш намунаси.



3-расм. а- чап томондан түпни уриш намунаси.

б- ўнг томондан түпни уриш намунаси.

Теннис дастасини ушлаш ва дастлабки ҳаракат ҳолатларининг барча турларини ўзлаштиргандан сўнг дастлабки “ўргатувчи” машқларга ўтилади.

1. Даста билан тўпни илиш. Дастани тўр юзаси майдон юзаси билан параллел ушланади, кафтни орқа қисми пастига қаратилган бўлади. Тўп даста тўри юзасига қуийлади, қўл тирсак қисмидан хиёл ёзилади. Тўпни тўр юзасидан қўзғатмасдан юқорига кўтариб-туширилади. Мазкур ҳаракат ўзлаштирилгандан сўнг, аста тўпни юқорига отиб, дастага илинади.

2. Майдон юзасидан “сақраган” тўпни юқорига уриш. Тўп чап қўл билан бошдан юқорироққа ташланади, ерга тушиб “сақраган” тўпни даста билан 1,5-2 метр юқорига урилади. Шундай тарзда машқ 15-20 марта қайтарилади.

3. 1 ва 2-чи машқлар турли йўналишдаги ҳаракатда (юриш, силжиш, чопиш) бажарилади.

4. 1 ва 2-чи машқларни ижро этиш дикқатни ўзга нарсаларга жалб қилиш билан бирга амалга оширилади (шевър ёлаш, ҳисоб санаш, ашула ҳиргойи қилиш ва ҳоказо).

5. 1 ва 2-чи машқлар икки ва ундан кўп болалар иштирокида бажарилади.

6. 1 ва 2-чи машқлар ким кўп ва тўғри бажариш шарти билан ижро этилади.

7. Тўпни майдон юзасига кетма-кет уриш.

8. Тўпни ерга туширмасдан даста тўри юзаси билан кетма-кет юқорига уриш.

9. 7 ва 8-чи машқлар ҳам 3, 4, 5 ва 6-бандларда келтирилган шартлар асосида бажарилади.

Навбатдаги машқлар туркуми мазмуни ва таркиби бўйича борган сари мураккаблашиб бораверади. Аммо мураккаб машқларни бажариш дастлаб машқларни

қайтариб туриш ва уларни мукаммал ўзлаштириб бориш билан боғлаб олиб борилиши лозим. Шуни айтиш муҳимки, мураккаб машқлар ҳам вақти келиб ўз навбатида теннисчи учун соддадек, енгил ва аниқ ижро этила борилаверади.

Навбатдаги машқ “Тирик нишон” деб аталади. (31)

10. “Тирик нишон”. “Тирик нишон” бўлиб теннисчини шериги ҳисобланади ва ундан 4-6 м узоқлиқда дастасиз қўлида тўп билан жойлашади; тўпни Сиз томон йўналтириб ерга қараб отади. Сиз ердан сакраган тўпни шерингизга аниқ қайтаришингиз шарт. Шерингиз эса тўпни илиб машқни қайтаради. Шу тарзда машқни борган сари тезлиги оширилиб қайтарилаверади. Сиз, агар, тўп ўнг томонингизга тўғри келса, даста билан ўнг томондан қайтарасиз, чап томондан келса даста билан чап томондан қайтарасиз.

11. 10-чи машқ ҳар хил тезликда, турли йўналишдаги ҳаракатда, шарт-шароитларда, ташқи таъсир вазиятларида бажарилади.

12. 10-чи машқ девордаги катакча-нишонларга аниқ уриш шарти билан амалга оширилади.

Юқорида келтирилган машқлар тез, аниқ, енгил ва юкори самарали бажарилиши теннисчини умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлигига чамбарчас боғлиқ. Умумий ва маҳсус жисмоний сифатларни ривожлантирувчи барча машқлардан фойдаланиш жараёни аксарият теннис тўпи ва дастаси иштирокида кечгани мақсадга мувофиқроқ бўлади (31).

Зикр этилган машқлардан ташқари, теннис-чиларни ўргатиш жараёнида, кўпдан-кўп теннис тўпи ва дастаси билан бажариладиган анъанавий машқлар қўлланилади; “тўп доирга ичидা”, “чўққичадан думалётган тўп”, “деворгача думалат”, “тўпни думалатиб нишонни йиқит”,

“тўпни тўрга қарши аниқ думалат”, “тўп уриб ким ўзди пойгаси” (эстафета), “икки киши тўп узатиб эстафета югуриш” ва ҳоказо.

Мазкур машқлар ўз мазмуни билан анъанавий бўлгани учун уларни ижро этиш тартибини ва изоҳини ёритишга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Лекин барча мавжуд анъанавий машқларни ноанъанавий машқлар (максус бўлмаган) иштирокида бажариш катта самара бериши мумкинилиги баъзи спорт ўйинларида қисман исботланган ва ушбу омил тенисчиларни тайёрлашда ижобий натижаларни юзага келтириши кафолатдан холи эмас.

5. Ҳаракат техникасига ўргатишнинг ноанъанавий технологияси

Ўргатиш жараёнини тўғри ташкил қилиш, “ўргатувчи”нинг услугуб ва машқлардан самарали фойдаланиши малакали тенисчиларни тайёрлаш тизимининг муҳим ва ҳал қилувчи омилидир. Аммо, кузатувлар шуни кўрсатадики, кўпгина мураббийлар ўргатиш технологиясидан фойдаланишда жиддий камчиликларга йўл қўядилар. Ана шу камчиликлар ва хатоликларни моҳияти нимадан иборатлиги ҳамда уларни ўзлаштириш жараёнига салбий таъсир этиш эҳтимоли борлигини ўрганиш, мураббий-педагог фаолиятини оидинлаштириш ва такомиллаштиришда катта аҳамиятта эга, деб ўйлаймиз.

Айрим вақтларда муайян ҳаракат техникасига ўргатишда шу ҳаракатни етакчи қисмларига асосий эътибор берилмайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳаракатни “ҳаракатга” келтирувчи “мағизи” мантиқий моҳияти даставвал ўргатиш жараёнида дикқат марказидан жой олмайди. Лекин, аксарият, спорт малакаларини ўзлаштиришда аввалига ҳолат ва ҳаракатланиш

мавзулари эътиборга олинади. Натижада, ўргатиш тартибининг бузилиши ҳисобига ҳаракат техникасини қисқа муддатда самарали ўзлаштириш ва уни маҳорат билан ижро этиш имконияти чегараланади. Масалан, 2-3 м ҳаракатланиб, сўнг маълум нишонга теннис дастаси билан тўпни аниқ уриш машқини ўзлаштиришда, баъзан, ўргатиш ҳаракатланишни турларидан бошланади (силжиб ёки югуриб ҳаракат қилиш). Агар ўнг томонга силжиб ҳаракат қилиш ўргатиладиган бўлса, тренер: “ўнг томонга силжиб ҳаракатланишда ҳаракат ўнг оёқдан бошланиб, силжитиб қўйилади, сўнг чап оёқ силжитиб қўйилади”, деб кўрсатма беради.

Ушбу ҳаракат малакасини техник нуқтаи назардан бажарилиш тартиби мақсадга мувофиқдир ва уни тўғрилиги табиий ҳолдир. Чунки мазкур ҳаракат малакасини ўзга йўл билан ижро этилиши самарали бўлиши мумкин ҳам эмас. Ахир ўнг томонга оёқларни силжитиб ҳаракатланишда, ҳаракатни чап оёқдан бошлаш, “ўнг қўлни бошни орқа томонидан ўтказиб чап кулокни ушлаш билан баробардир”. Кўриниб турибдик, ҳаракат малакаларини иккинчи даражали, майда қисмлари табиий ва ўзига хос йўналишда бажарилиши лозим. Ўргатиш жараёнида ҳаракатни бундай майда қисмларига эътиборни кучайтириш ўргатиш самарасини сусайтиради ва уни муддатини узайтириши мумкин. Шунинг учун ўргатиш технологиясида асосий эътиборни ҳаракатни мазмуний мақсади, ҳал этувчи қисм ва босқичларига қаратиш керак. Ҳаракатни иккинчи даражали қисмлари» эса, уни ҳал этувчи қисмларига бўйсингани сабабли шу ҳаракатни тўлиқ (бутун) “занжири”дан чиқиб кетмайди. Бундан ташқари, деярли барча кузатилувчиларда қайд этилган энг катта услубий хатолик шундан иборатки, улар маълум мазмунли ва мақсадли

ҳаракат малакасини юқоририоқ тезликда ижро этиш андозасини (классик техник нусхасини) түғри тушунтирадилар ва кўрсатадилар. Лекин ўқувчилар мазкур ҳаракатни бажаришларида улардан шу ҳаракатни айнан нусхасини қайтаришларини, ижро этишларини талаб қиласидилар. Бинобарин, ўқувчига маълум малаканинг мақсадига қараб, шу малакани бажарилишида унга самаралироқ усулни эркин равишда танлаб олиш ёки батамом янги усулни “кашф” этиш имконияти туғдирилмайди.

Маълумки, аниқ мақсадга йўналтирилган бирор ҳаракатни бажаришда инсон вазият, имконият, зарурият ва бошқа сабаблар таъсири остида шу ҳаракатни ижросининг янги усулини “кашф” этиши мумкин. Машхур американлик енгил атлетикачи, Олимпиада чемпиони Фос-бюлини баландликка сакраш усулини “кашф” этиши (бу усул “фос-бюли-флоп”, деб унинг номига қўйилган), гимнастика бўйича олимпиада ва жаҳон чемпиони, собиқ совет спортчиси Ольга Корбутни брусьядаги батамом янги ҳаракати (бу ҳаракат унинг номига қўйилган), япон волейболчиси Моританинг “морита” финти ва бошқалар бунга яққол мисол бўла олади.

Демак, ўргатиш жараёнида ҳаракат техникасини ўзлаштириш шу техникани классик намунасидан нусха кўчириш асосида амалга оширилмаслиги лозим. Аксинча, ўргатилаётган ҳаракат техникасининг классик намунаси асосида ўрганувчи шу ҳаракатни ўзи “кашф” этган усулда ижро этишга интилиши зарур. Бунинг учун мураббий ўргатиш жараёнида ўрганувчига ҳаракатни ижро этишда янги усулни “кашф” этиши учун эркин вазият яратмоғи даркор.

6. Ёш теннисчиларда ҳаракат аниқлигини анъанавий (ихтисослаштирилган) ва ноанъанавий (айланма тезланишлар) машқлар ёрдамида шакллантириш самарадорлиги

Замонавий теннис мусобақаларида кескин муаммо бўлиб келаётган ва ўзининг илмий ечимини кутаётган асосий камчиликлардан бири – бу зарба бериш аниқлиги аксарият ҳолларда турғун ва мукаммал ижро этилмаслигидир. Бундай ҳолат ҳатто жаҳоннинг энг юқори рейтингли теннисчиларида ҳам кузатилиб турибди.

Маълумки, спорт амалиётида ҳаракат аниқлиги ва унинг турғунлигини шакллантириш турии ихтисослаштирилган машқларни бўлажак мусобақалар моделларига мувофиқ мунтазам қўллаш асосида амалга оширилади. Лекин, спортга хос экстремал вазиятлар (тўғри ва айланма тезланишлар, тебранишлар, чайқалишлар ва ҳоказо) таъсирида шаклланган ҳаракат аниқлиги мукаммал эмаслиги ошкор бўлади. Ушбу ҳолатнинг келиб чикиши мураккаб нейрофизиологик жараёнларга асосланади. Жумладан, инсоннинг жамийки ҳаётий фаолиятида (мехнатда, турмушда, спортда) муайян ҳаракатни аниқ, мукаммал, тез ва мақсадга мувофиқ ижро этилиши тўғридан-тўғри вестибуляр анализаторининг функционал ҳолатига боғлиқдир. Турли йўналишдаги айланма тезланишлар вестибуляр рецепторларига бевосита таъсир этиб, кўз нистагмини вужудга келтиради, кўз соққаси ва бошни ихтиёрсиз тебранувига сабабчи бўлади. Айланма тезланиш тугаганидан сўнг ҳам нистагм реакцияси анча вақтгача давом этади. Лекин, бу нистагм тебраниши мазкур тезланишнинг йўналишига қарама-қарши томонга ҳаракат қиласиди. Тезланиш вақтида ва ундан сўнг нистагмдан ташқари мушакларнинг тонуси ўзгаради. Ана шу ҳолатлар вестибуляр

ядролари ва қатор бошқарув органлари (бош мия, мияча қизил ядро, орқа мия ва ҳоказо) ўртасидаги функционал боғланишини вактингч “узилишига” олиб келади, натижаде тана мувозанати йўқолади, ҳаракат координацияси ви аниқлиги бузилади.

Бинобарин, ҳаракат координацияси ва аниқлигини мукаммаллаштириш учун дастлабки ўргатиш босқичидано вестибуляр анализаторининг функционал фаолиятини шакллантириш лозим бўлади.

Ушбу илмий-услубий қўлланма теннисга дастлабки ўргатиш жараёнида зарба бериш аниқлигини маҳсуз (ихтисослашган) ва ноанъанавий (ихтисослашмаган – айланма тезланишилар) машқлар ёрдамида шакллантириш имкониятларини ўрганишга қаратилган. Мазкур жараён ойллик педагогик тадқиқот асосида амалга оширилди.

Тадқиқот теннис билан 9 ой шуғулланган 9-10 ёшли болалардан иборат икки групуда – назорат ($n=12$) ва тажриба ($n=12$) групчалирида ўтказилди.

Педагогик тадқиқотнинг мазмуни ва шартлари қўйидагилардан иборат эди:

Назорат групхи таркибига кирувчи болалар тенни бўйича БўСМларга мўлжалланган дастур асосида ўтка зилган машғулотларда иштирок этдилар.

Тажриба групхи тадқиқот давомида қўшимчалишида қўйидаги машқларни ижро этишди:

1. Икки теннисчи ўртада 1 м баландликда осилга гимнастика ҳалқаси орасидан дастлаб 6 м оралиқда туриб бир-бираига тўп узатади. Ҳар 3 ойдан сўнг оралиқ 8, 10, 12 м г. ортиб боради.

Машқ **10 дақиқадан 2 марта** – ўнг ва чап ён томон лардан ижро этилади.

Узатишнинг умумий сони (ўнг ва чап ён томонда

узатилган түплар аниқлиги алоҳида ҳисобланади), аниқ ва ноаниқ түп узатишлар эътиборга олинади.

2. Теннис устунларидан 1 м оралиқда түр устига параллел 1-2 м ли 2 та фанера нишон сифатида омонат ўрнатиласди.

Машқ икки теннисчи ўз майдонининг ўнг томонидан туриб қарама-қарши томондан шериги ташлаб берган тўпни зарба билан ўз нишонига йўллади.

Машқни ижро этиш тартиби ва баҳолаш 1-машқ сингари амалга ошириласди.

3. 1,3 м баландликда бир-биридан 1,5 м оралиқда деворга чизилган 2 та **50 см²** ли нишонларга навбатма-навбат тўп уриш.

Машқни ижро этиш тартиби ва баҳолаш 1-машқ сингари амалга ошириласди.

Ҳар бир машқ-тест бошланишидан аввал, шу машқ-тест оралиғида (10 дақиқадан сўнг) ва ҳар бир турдаги машқ-тест тутаганидан сўнг (20 дақиқадан сўнг) куйидаги ноанъанавий машқлар ижро этиласди:

а) диаметри 3 м айлана чизик бўйлаб соат стрелкаси йўналишида (3 дақиқа) ва қарама-қарши йўналишда (3 дақиқа) югуриш;

б) жойдан туриб юкорига сакраб 360° ўз ўки атрофида айланиб (ҳавода) ерга қўниш.

Ўнг ва чап томонга айланиш 10 мартадан бажариласди.

в) гавдани олдинга 90° эгиб, ўнг кўлдаги чўпни ерга тираб, ўнг томонга ўз ўки атрофида 10 марта, чўпни чап кўлга олиб, чап томонга — 10 марта айланиш. Айланиш шиддати ўртача;

г) тик турган ҳолатда, кўзларни юмиб, бошни максимал амплитудада 30° ўнг томонга, 30° чап томонга айлантириш;

д) икки теннисчи бир-бирига қарама-қарши турган

ҳолда ва қўлларни узатиб ушлаб, ўнг томонга 10 марта, чап томонга 10 марта айланиш.

Педагогик тадқиқотдан аввал, 3 ой, 6 ой ва 9 ойдан сўнг назорат ва тажриба гуруҳларида:

А.И. Яроцкий услуги ёрдамида вестибулосоматик турғунилик аниқланди (4-чи тест-машқ);


Зарба бериш аниқлиги (сони) 3-чи тест-машқни 7 м дан туриб 60° давомида нишонларга ўнг ён томондан йўлланган умумий аниқ ва ноаниқ тўплар нисбатини ҳисоблаш асосида баҳоланади.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳдили

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, педагогик тадқиқотдан аввал назорат гуруҳида ҳам, тажриба гуруҳида ҳам ўрганилаётган индивидуал ва ўртacha статистик кўрсаткичлар бир-биридан деярли кескин фарқ қилмади. Жумладан, тик туриб, кўзларни юмган ҳолатда бошни ўнг томонга максимал амплитудада мувозанатни йўқотгунча айлантириш (Яроцкий услуги) тести бўйича олинган натижа назорат гуруҳида ўртacha $16,7 \pm 1,01$ с, тажриба гуруҳида эса $15,9 \pm 1,07$ с ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар икки гурух таркибига кирувчи болаларда ҳам вестибуляр анализаторининг функционал имконияти айланма тезланишлар таъсирига нисбатан заиф эканлигидан далолат берадяпти. Ўз навбатида бу вазият вестибуляр анализатори билан ҳаракат ва кўриш анализаторлари ўртасида шаклланган функционал боғлиқлик йўқлигини кўрсатади. Маълумки, анализаторлар ўртасидаги функционал боғлиқлик маҳсус йўналтирилган машғулотлар ёрдамида шаклланади ва бу шаклланиш спорт амалиётида, айниқса ҳаракатларни турли вазиятларда тез ва аниқ ижро этишда муҳим рол ўйнайди.

Педагогик тадқиқотнинг бошида, 3, 6 ва 9-чи ойларидағ

сўнг олинган натижалар назорат гуруҳида вестибуляр анализаторининг функционал турғунлиги суст ва нотекис ўстанлигини, аксинча, тажриба гуруҳида эса ушбу сифат кўрсаткичларини бир текис “зинасимон” динамика йўналишида ўта сезиларли равищда ўстанлигини кўрсатди. Ўсиш динамикаси 4-расмдаги диаграммаларда тасвирланган.



Тадқиқот бошида 3 ойдан сўнг. 6 ойдан сўнг. 9 ойдан сўнг
1- назорат гуруҳи
2- тажриба гуруҳи

4-расм. Назорат ва тажриба гурухларида вестибуляр анализаторининг функционал турғуни-гини педагогик тадқиқот давомида ўсиши.

Ушбу диаграммадан кўриниб турибдики, педагогик тадқиқотдан аввал олинган натижалар икки гуруҳда деярли бир-биридан фарқ қилмайди. Чунойчи, назорат гурухидаги вестибуляр анализа-торининг айланма тезланишларга бўлган функционал турғунлиги $16,7\text{ с}$ га teng бўлса, тажриба гурухидаги мазкур сифатнинг вақт билан ўлчанадиган

“қиймати” хиёл бўлсада камроқ – 15,9 с. Лекин, орадан 3 ой муддат ўтгач тажриба гуруҳида қўлланилган машқлар мажмуаси ўз «кучини» кўрсата бошлади. Жумладан, ўрганилаётган кўрсаткич назорат гуруҳида 19,3 с гача ўсан бўлса, тажриба гуруҳида вестибуляр турғунлик 27,5 с билан баҳоланди. Педагогик тадқиқотнинг 6-чи ва 9-чи ойидан сўнг олинган кўрсаткичлар тажриба гуруҳида вестибуляр турғунликни 41,9 с дан 57,8 с гача ўсанлигидан дарак бермоқда. Сўнгги кўрсаткич тадқиқотдан аввал олинган кўрсаткичдан 42,8 с га фарқ қилгани, педагогик тадқиқот давомида тажриба гуруҳида қўлланилган машқлар мажмуаси қанчалик самарали эканлигини исботламоқда. Назорат гуруҳида эса аксинча, 3 ой давомида вестибуляр турғунлик дастлабки ҳолатга нисбатан 2,6 с га ортган бўлса, 6 ойдан сўнг ушбу сифат кўрсаткичи 1,1 с га камайди. 9 ой ўтганидан кейин мазкур кўрсаткични хиёлгина (2,9 с) ўсиши кузатилди.


Фараз қилинганидек, тажриба гуруҳида зарба бериш аниқлиги (сони жиҳатидан) педагогик тадқиқот давомида “зинасимон” йўналиш узра ўта сезиларли ортиб борди. Чунончи, тадқиқотдан аввал зарбаларнинг умумий сони (60 с ичida) гурух бўйича ўртacha 15,3 марта ни ташкил этган бўлса (“йўқотишлар” бўлганда тест-машқ тўхтатилган), 3 ойдан сўнг бу кўрсаткич – 19,6; 6 ойда – 23,2; 9 ойда – 27,7 марта га ошди. Аниқ зарбалар сони мувофиқ равишда 5,2; 9,8; 15,7; 19,8 (5-расм). Ноаниқ зарбалар сони – 10,1; 9,7; 8,5; 7,9.

Шу билан бир қаторда, назорат гуруҳида зарбаларнинг умумий сони ҳам, аниқ зарбалар сони ҳам тажриба гуруҳига нисбатан ўта кам миқдорни ташкил этди. Педагогик тадқиқот давомида зарбалар аниқлиги ушбу гуруҳда хиёлгина, лекин нотекис йўналишда ўсанлиги кўзга ташланади. Жумладан, тадқиқотдан аввал зарбалар сони ўртacha 14,7 марта га тенг бўлган бўлса, аниқ зарбалар – 5,8,

ноаниқ зарбалар эса 8,9 мартани ташкил этди. 3, 6 ва 9 ойдан сүнг бу күрсаткичлар қуиңдагыча күринишга зәға бўлди:

- зарбаларнинг умумий сони – 15,3; 17,5; 18,7;
- аниқ зарбалар – 6,7; 6,3; 8,8;
- ноаниқ зарбалар - 8,6; 11,2; 9,9.

Юқорида қайд этилган натижаларга асосан шуни таъкидлаш мумкинки, тажриба гуруҳи машғулотларида кетма-кет қўлланилган маҳсус (ихтисослаштирилган) ва ноанъанавий (ихтисослаш-маган – айланма тезланишлар) машқлар мажмуаси нафакат вестибуляр анализаторининг функционал турғунлигини ошириш имкониятини яратди, балки ушбу анализатор билан кўриш ва ҳаракат анализаторлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кучайтириб, шу гуруҳдаги теннищиларнинг зарба бериш аниқлигини юқори даражада шакллан-тириш салоҳиятига зәға



Тадқиқот бошида. 3 ойдан сүнг. 6 ойдан сүнг. 9 ойдан сүнг

1-назорат гуруҳи

2-тажриба гуруҳида

5-расм. Назорат ва тажриба гуруҳларидаги ҳаракат аниқлигини педагогик тадқиқот давомида ўсиши.

эканлигини исботлади. Бинобарин, тажриба гурухи учун ишлаб чиқылган ва педагогик тадқиқотда синааб күрилган махсус ҳамда ноанъанавий машқлар мажмуаси самарали технологик восита сифатида теннисга ўргатиш жараёнига (айниқса зарба бериш аниқлигини шакллантириш мақсадида) тадбиқ этилиши мумкин.

Худоса

1. Теннисста ихтисослашган БўСМлар амалиётида қўлланилаёттан меъёрий дастурда ҳаракат техникаси (шу жумладан, зарба бериш техникаси), координацияси, аниқлиги ва уларнинг ташқи чалғитувчи экстремал таъсиrlар (айланма тезланишлар, тебранишлар, чайқалишлар ва х.)га қарши турғунилигини оширувчи анъанавий (ихтисослашган) ва ноанъанавий (ихтисослашмаган – айланма тезланишлар) машқлар мажмуулари қайд этилмаган-лигига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

2. Ўтказилган педагогик тадқиқот натижалари, жумладан тажриба гурухи машғулотларида мунтазам қўлланилган махсус (зарба бериш аниқлигини оширишга ихтисослаштирилган) ва ноанъанавий (вестибуляр ва ҳаракат турғунилигини оширишга ихтисослаштирилган) машқлар мажмуаси нафақат ҳаракат ва вестибуляр анализаторларининг айланма тезланишлар таъсирига қарши турғунилигини ошириди, балки улар ўртасидаги ўзаро функционал боғлиқликни мустаҳкамлаш эвазига ёш теннисчиларнинг зарба бериш аниқлигини мукаммал даражада шакллантириш мумкинлигини исботлаб берди. Бинобарин, мазкур машқлар мажмуасини теннисга ихтисослашган БўСМлар дастурига киритиш ёш теннисчиларни ўргатиш ва тайёrlаш самарадорлигини ошириш имкониятини яратади.

7. Ёш теннисчилар жисмоний тайёргарлиги ва ҳаракат аниқдигини баҳоловчи меъёрий тест машқлари

Ёш теннисчиларни тайёрлаш самараадорлиги нафақат уларнинг ёши, жисмоний ва психофункционал имкониятларига қараб машғулот машқлари (юклама)ни беришдан иборат, балки жисмоний ва техник-тактик тайёргарлик динамикасини назорат қилиш ҳамда машғулотлар режасига зарур ўзгартиришлар киритиш билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Бинобарин, теннис мактабига (тўтарагига) қабул қилишда болаларни тиббий қўриқдан ўтказилиши, уларнинг функцияси ва жисмоний жиҳатдан ривожланганлиги, жисмоний тайёргарлиги (умумий ва маҳсус жисмоний сифатлари) баҳоланиши лозим. Кейинчалик, кўп йиллик спорт тайёргарлигининг барча босқичларида қайд этилган кўрсаткичлар (шу жумладан, техник-тактик кўрсаткичлар) қандай йўналишда ўсиб бораётганлиги баҳоланиб борилади.

Қуйидаги жадвал ва расмларда жисмоний ривожланиш, умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари ҳамда уларнинг тахминий меъёрлари акс эттирилган. Жумладан, 1-жадвалда теннис мактабига энди қабул қилинаётган болаларнинг жисмоний ривожланганлик даражасини белгиловчи кўрсаткичлар ва уларнинг тахминий меъёрлари берилиган. Бу кўрсаткичларга тана узунлиги (см), вазни (кг), кўкракни айлана узунлиги (см), ўпканинг тириклик сигими (л) кабилар киритилган. Болаларнинг ёши 8 ёшдан 12 ёшгacha алоҳида-алоҳида берилиган. Меъёрий кўрсаткичлар 3, 4, 5 балл деб белгиланган.

2-жадвалда жисмоний тайёргарликни баҳолашга мўлжалланган назорат тест машқлари ва баллар (3, 4, 5 балл) бўйича белгиланган тахминий меъёрий кўрсаткичлар қайд этилган. Назорат машқлари 60 м га югуриш (тезкорлик), 300 м га югуриш (чидамкорлик), бел-қорин-қўл мушаклари кучи – динамометрия, жойдан туриб узунликка сакраш (см),

жойдан туриб вертикал сакраш (см) каби тестларни ўз ичига олган.

3-жадвалда ёш тенинсчилар маҳсус жисмоний тайёргарлигини баҳоловчи меъёрий машқлар ва норматив кўрсаткичлар берилган. Меъёрий машқларга 2×11 м га моккисимон югуриш, 6×11 га моккисимон югуриш, жойдан 3 қадам кетма-кет узунликка сакрашлар танлаб олинган.

Бундан ташқари, ёш тенинсчилар маҳсус тезкорлиги, чаққонлиги ҳамда уларнинг ҳаракат (тўп киритиш, зарба) аниқлигини баҳолаш учун қўшимча меъёрий тест машқлари тавсия қилинган. Ушбу тест машқларининг тасвирий нусхаси 6, 7, 8, 9 ва 10 расмларда акс эттирилган.

Таъкидлаш жоизки, барча меъёрий тест машқларидан нафақат мувофиқ сифат ва қобилиятларни баҳолаш учун фойдаланиш мумкин, балки улар ёрдамида шу сифат ва қобилиятларни шакллантириш ҳам жуда қўй келади.

1-жадвал.

Теннис мактабига қабул қилинувчи болаларнинг жисмоний ривожланиши даражаси ва уни баҳолаш мезони.(Г. Кондратьева, А. Шокин, 1975-йил бўйича)

Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари	жин- си	Болалар ёши, баллари ва норматив кўрсаткичлари														
		8 ёш			9 ёш			10 ёш			11 ёш			12 ёш		
		3	4	5	3	4	5	3	4	5	3	4	5	3	4	5
Тана узунлиги (см)	Ў	128	131	134	134	138	141	141	144	147	144	147	150	149	152	155
	Қ	125	127	130	131	137	143	140	143	145	146	150	154	151	155	159
Тана вазни (кг)	Ў	23	26	29	29	32	35	35	32	38	35	38	41	37	41	44
	Қ	23	26	29	29	32	35	32	36	39	36	40	44	39	44	49
Кўкрак қафаси узунлиги (см)	Ў	57	59	61	62	64	66	63	66	69	64	67	70	66	69	72
	Қ	54	57	60	59	62	65	61	65	68	65	69	72	67	71	75
Ўпканинг тириклик сигими (см)	Ў	1,5	1,58	1,7	1,65	1,8	1,95	1,8	2,0	2,2	2,15	2,4	2,65	2,25	2,5	2,75
	Қ	1,47	1,52	1,6	1,55	1,7	1,85	1,7	1,9	2,1	2,05	2,3	2,55	2,1	2,4	2,7

2-жадвил.

**Теннис мактабига қабул қилинувчи болаларнинг жисмоний тайёргарлигини баҳолашга
мўлжалланган тест машқлари. (Г. Кондратьева, А. Шокин, 1975-йил бўйича)**


Тест машқлари	Жин -си	Жисмоний сифатларни баҳолаш баллари, болалар ёши ва норматив кўрсаткичлар															
		3	4	5	3	4	5	3	4	5	3	4	5	3	4	5	3
		8 ёш				9 ёш				10 ёш				11 ёш			
Тезкорлик, 60 м га югуриш (с)	Қ	12,0	11,8	11,6	11,6	11,2	10,8	10,8	10,6	10,4	10,6	10,4	10,2	10,2	10,0	9,8	
	Ӵ	11,8	11,6	11,5	11,3	10,9	10,5	10,8	10,4	10,0	10,5	10,2	9,9	10,1	9,8	9,5	
Чидамкорлик, 300 м га югуриш (с)	Қ	90	86	82	82	77	72	73	69	65	68	64	60	62	59	56	
	Ӵ	85	80	76	78	72	66	68	64	60	63	60	57	58	56	54	
Бел кучи – динамометрия (кг)	Қ	28	32	37	38	43	48	49	53	57	62	67	73	73	78	83	
	Ӵ	40	44	48	47	51	55	57	60	63	69	73	77	75	85	90	
Жойдан узун- ликка сакраш (см)	Қ	128	132	136	134	138	-142	147	152	157	162	168	174	168	175	183	
	Ӵ	140	144	148	146	150	154	161	166	174	176	182	188	182	190	193	
Икки сёқ билан депсиниб, верти- кал сакраш (см)	Қ	20	23	26	25	28	31	28	33	38	36	42	48	41	47	53	
	Ӵ	20	24	28	27	31	35	33	38	43	42	46	50	40	45	50	

3-жадвал.


**Ёш теннисчилар махсус жисмоний тайёргарлигини баҳоловчи меъёрий
машқлар ва норматив кўрсаткичлар**
 (Г. Кондратьева, А. Шокин, 1975-йил бўйича)

№


Тест машқлари	Жин-си	Болалар ёши, баллари ва норматив кўрсаткичлари									
		7-8 ёш			9-10 ёш			11-12 ёш			
		3	4	5	3	4	5	3	4	5	
2x11 м югуриш (с)	Ў	5,0	4,8	4,6	4,8	4,6	4,4	4,5	4,3	4,1	
	Қ	5,1	4,9	4,7	4,9	4,7	4,5	4,8	4,5	4,2	
6x11 м югуриш (с)	Ў	28	25	22	24	22	20	23	21	19	
	Қ	30	26	22	26	23	20	24	22	20	
Жойдан 3 қадам уззуунликка сакраш (см)	Ў	420	450	470	500	540	620	580	600	630	
	Қ	400	430	450	470	490	510	580	560	580	




6-расм. “Юлдуз”часимон югуриш.




7-расм. “Мокки”симон югуриш.



8-расм. Диагонал бүйлаб югуриш.



9-расм. Майдонча орқа чизигининг ўнг ва чап бўлакларидан майдончани қарши бўлагида жойлашган, диаметри 1 метр бўлган доира нишонларига тўпни кетма-кет тартибда 4 мартадан уриш (машқ тенис дастаси ва тўпи билан бажарилади).



10-расм. 10-метр масофадан туриб, деворда чизилган 1x1 метрли нишонларга кетма-кет тартибда уриш.

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикасида тенисни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 11.09.98. №392.
2. Айрапетъянц Л.Р., Годик М.А. Спортивные игры. Т.: Ибн-Сино, 1991. 156 с.
3. Безверхов В.П. Адаптация нейро-моторного аппарата к мышечной нагрузке переменной интенсивности. Автореф. канд.дисс. Ташкент, 1996. 28 с.
4. Безверхов В.П. Теннис. Учебное пособие. Т., 2001. 68 с.
5. Верхушанский Ю.В. Программирование и организация тренировочного процесса. М.: ФиС., 1980. 130 с.
6. Верхушанский Ю.В. Основы специальной физической подготовки. М.: ФиС, 1988. 331 с.
7. Верхушанская Н.Ю. Некоторые особенности методики скоростно-силовой подготовки теннисиста. Теннис: Ежегодник. М.: ФиС, 1982. с. 29-33.
8. Верхушанская Н.Ю., Морозов М.Ю. Физическая подготовленность юных теннисистов. Теннис: Ежегодник. М.: ФиС, 1984. с. 32-34.
9. Всеволодов И.В., Сокур Б.П. Факторы, влияющие на скорость и точность полета мяча. Теннис: Ежегодник. М.: ФиС, 1984. С. 13-15.
10. Голенко В.А., Скородумова А.П., Тарпишев Ш.А. Азбука тенниса. М.: Тера-Спорт, 1999. 126 с.
11. Голенко В.А., Скородумова А.П., Тарпишев Ш.А. Школа тенниса. М.: Дедалус, 2001. 190 с.
12. Голенко В.А., Скородумова А.П., Тарпишев Ш.А. Академия тенниса. М.: Дедалус, 2002. 240 с.
13. Голомазов С.В. Теоретические основы и методика

совершенствования целевой точности двигательных действий. Докт.дисс. М.: 1996. 327 с.

14. Жур В.П Точность ударов в тренировке. Теннис: Ежегодник. М.: ФиС. 1981. С. 32-34.

15. Зациорский В.М. Физические качества спортсмена. М.: ФиС, 1970. 200 с.

16. Ивойлов А.В. Помехоустойчивость движений спортсмена. М.: ФиС, 1986. 112 с.

17. Казилов М.М. Пути оптимизации тактико-технических действий борца в связи с меняющейся устойчивостью позы противника. Авт. канд. дисс. 1979. 16 с.

18. Кондратьева Г., Шокин А. Теннис в спортивных школах. М.: ФиС, 1975. 160 с.

19. Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Киев, 1999. 318 с.

20. Медведев В.В. Теннисистам о вестибулярной устойчивости. Теннис. Сборник. Вып. №2. М.: ФиС, 1971. с. 22-23.

21. Мазуров М.Е., Шокин А.И. Оценка точности подачи в соревнованиях. Теннис: Ежегодник. М.: ФиС, 1979. с. 29-32.

22. Пулатов А.А. Ҳаракатни аниқ ижро этишда вестибуляр анализаторининг ўрни. "Жисмоний тарбия, спорт ва маънавият". Илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. II жилд. Т., 1995. 52-54 б.

23. Пулатов А.А., Пулатова З.А. Проблемы неустойчивой динамики игровых действий в современном теннисе и о предпосылках выхода из этого "кризиса". "Жисмоний тарбия ва спорт назарияси ҳамда амалиёти муаммолари" Ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Т., 2001. 88-90 б.

24. Пулатов А.А. Ҳаракат малакасини ўргатиш жараёнига ноанъанавий ёндошиш масалалари. ЎзР. Олий ва Ўрта маҳсус ўқув юртларида ЖТВС ни ривожлантириш масалалари. Тезислар ва материаллар. 14-15 май. Илмий

анжуман. Т., 1993. 22-23 б.

25. Платонов В.Н. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. Киев, Олимпийская литература, 1997. 584 с.
26. Тугашвили И., Янчук В. Некоторые перспективы развития современного тенниса. "Человек в мире спорта" Тезисы докл. межд. конгресса. М.: 24-28 мая 1998. Т.1. с. 244-245.
27. Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания и спорта. М.: Академия, 2000. 475 с.
28. Чебатарев Ш.Р. Развитие физических качеств при подготовке теннисистов к соревнованиям. Методические рекомендации. УзГИФК, Т., 1999. 36 с.
29. Юданова Н. Методом проб и ошибок. Ж. Спортивные игры, 1989. № 4. с. 4-5.
30. Янчук В. На корте. Ж. Спортивные игры. 1977. № 8. с. 28-9.
31. Янчук В. Поспешишь – людей насмешишь. Азбука тенниса. Ж. Спортивные игры. 1989. № 7. с. 28-29.
32. Немцов О.Б. Место точности движений в структуре физических качеств. Ж.ТиПФК. № 8, 2003. с 22-25.
33. Назаренко Л.Д. Место и значение точности как двигательно-координационного качества. В кн.: Физическая культура, воспитание, образование, тренировка. М.: 2001. с. 30-35.

Мундарижа

Кириш	3
1. Замонавий теннис ва унинг илмий назарий моҳияти	6
2. Тенисчиларни тайёрлашда танловнинг ўрни ...	10
3. Ўргатиш жараёни ва техник тайёргарлик	15
4. Тенисга дастлабки «ўргатувчи» машқлар	21
5. Ҳаракат техникасига ўргатишнинг ноанъанавий технологияси	25
6. Ёш тенисчиларда ҳаракат аниқлигини аńъанавий (ихтисослашган) ва ноанъанавий (айланма тезланишлар) машқлар ёрдамида шакллантириш самарадорлиги	28
7. Ёш тенисчилар жисмоний тайёргарлиги ва харакат аниқлигини баҳоловчи меъёрий тест машқ- лари	36
Фойдаланилган адабиётлар	44

*Мұхаррір Д.Ибровымова
Техник мұхаррір М.Султанов*

Босишга рухсат этилди 12.12.06. Қоғоз бичими 60x84 1/16.
Хажми 3,0 физ.б.т. 34-06 рақамли шартнома. Адади 50 нусха.
106-сон буюртма.

**Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг
нашириёт-матбаа бўлими, 100052, Тошкент, Оққўрғон
кўчаси, 2-уй.**

**Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг
босмахонаси, 100052, Тошкент, Оққўрғон кўчаси, 2-уй.**